

ХУКУҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎРҚИН ҒАЛАБАСИ

2000 йил 9 январь. Бу сана мамлакатимиз тарихида энг
ёрқин саҳифа бўлиб қолажак.

Шу куни мамлакатимизда демократия тамойилларига
биноан муқобиллик асосида Президент сайлови бўлиб
ўтди. Демократиянинг ёрқин намойишига айланган сай-
ловда Фидокорлар миллий демократик партиясидан ном-
зоди кўрсатилган амалдаги Президент Ислом Каримов
халқимизнинг мутлақ кўпчилик овози билан ишончли ғала-
бага эришди.

10 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбу-
от маркази эълон қилган дастлабки маълумотларга кўра,
сайловда 12.746.903 нафар сайловчидан 12.123.199 нафа-
ри иштирок этган. Фоиз ҳисобида бу 95,10 га тенг. 3,92
фоиз, яъни 470417 та бюллетен ҳақиқий эмас, деб топил-
ган. Ниҳоят энг муҳими: Сайловчиларнинг 11.147.621 на-
фари, яъни 91,90 фоизи амалдаги Президент Ислом Кари-
мовга овоз берган. Унинг рақиби - ХДП Марказий кенгаши
биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов 4,17 фоиз овоз
тўплаган. Унинг номзодини 505161 киши ёқлаган.

Шундай қилиб, 2000 йилдаги биринчи президент сайло-
ви Ўзбекистонда бўлиб ўтди. Жаҳонда 2000 йилда сайлан-
ган биринчи Президент Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти Ислом Каримов бўлди!

Ушбу сайловлар халқимизнинг сиёсий фаоллиги янада
ошганлигини кўрсатди. Бунини хорижий кузатувчилар ҳам
эътироф этдилар.

*Шинълик,
осойиштали-
имизни,
Ватанимиз
ёларалари
дахлсизлигини
кўриқлаётган
Ватан
ҳимоятлари,
байрамнингиз
қутлуқ бўйсин!*

ВАТАН ТАЯНЧИ

МУҚАДДАС БУРЧ

1992 йилнинг 14
январида Ўзбеки-
стон Республикаси
Олий Кенгаши со-
биқ Иттифоқнинг
парокандаликка юз
тутиши натижасида
вужудга келган бир
шароитда юртимиз
худоидида жойлаш-
ган ҳарбий қисм-
лар, ҳарбий ўқув
юртлари ва бошқа
ҳарбий тузилма-
ларни Республика
хукукий тасарруфи-
га олиш тўғрисида
тарихий қарор
қабул қилди. Шу
куни мамлақати-
мизнинг бўлажак
Қуролли Кучларига
тамал тоши қўйил-
ди.



Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

1993 йил 29 де-
кабрда қабул қилинган Ўзбеки-
стон Республикаси Қонуни билан
эса 14 январь «Ватан ҳимо-
ячилари куни» деб эълон қилин-
ди.
Бу байрамнинг қонун билан

мустаҳкамлаб қўйилиши Қурол-
ли Кучлар Ўзбекистоннинг мус-
тақиллиги, суверенитети ва
худудий яхлитлигининг, келажа-
ги буюқ давлат барпо этаётган
(Давоми 3-бетда)

МУНОСАБАТ

ХАЛҚ ЭЪЗОЗИ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг яна мустақил Ўзбекистон Президентини этиб сайланганлиги мени ҳам гоятда руҳлантириб юборди.

Чунки, хурматли юртбошимиз амалга оширган буюк ишларни халқимиз яхши билади. Айниқса, Президентимизнинг қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги савий-ҳаракатлари самарасидан биз, фермерлар баҳраманд бўлмоқдамиз. Юртбошимиз деҳқон меҳнатини гоят қадрлайди. Уларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун барча ишларни қилмоқда. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Бизнинг фермерлик уюшма-миз пахтакорлари Қорақалпоғистонда—тўрт йилдирки, давлат шартномаси бўйича мажбуриятни ошириб удалаб келаяптир. Президент Фармони асосида давлат шартномаси бажарилса, етиштирилган маҳсулотимизнинг 70 фоизи уюшма ҳисобида қолади. Уюшма 1998 йилда 990 гектар ерда чигит экиб, 2515 тонна «оқ олтин» етиштириб, 12 миллион 200 миң сўмлик соф фойда олган бўлса, 1999 йилда соф фойдамиз 13 миллионга етди. Уюшмамизда ғалладан ҳам сурункасига юқори ҳосил етиштирилмоқда. 1999 йилда ҳар гектар майдондан 45

центнердан, Асилбек Шарипов, Қуромбой Бобожоёнов раҳбар фермер хўжаликлари эса 65-75 центнердан ғалла ҳосили олиб, давлат шартномаларини 1,5-2 ҳисса ошириб бажаришга эришдилар.

Уюшмамизда даромад келтирадиган бошқа соҳалар ҳам бор. Айтайлик, такрорий экинлардан ҳам икки мартаба ҳосил олинаётди. Утган йилда такрорий экинларнинг ўзидан 6 миллион сўмлик соф фойда олди.

Фермерлар уюшмамизда қонун асосида кичик корхоналар, фирмалар, хусусий мулкчиликнинг бошқа шакллари ҳам кенг йўл очиб берилган. Ғишт заводи, ун, шолини қайта янчадиган тегирмон, оҳақ пиширадиган цех, тикувчилик цехлари ва машина хизмат кўрсатиш уйлари ишлаб турибди. Гузаримиз ҳам бор.

Буларнинг ҳаммасини мустақиллик шарофати, деб биламиз. Ва сайловда ёрқин ғалабага эришган хурматли Президентимиз сиёсатини бундан буён ҳам ўз меҳнатимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

Нуриддин ФАХРИДДИНОВ,
Элликкалья туманидаги Гани
Одилов номи фермерлар уюшмаси
раиси, «Шухрат» медали нишондори



АСКАР ЙИГИТ ХАЁЛИ

Ўтираман хаёл суриб
тун яримдан оғсада.
Элтиб қўяр мени хаёл
қишлоғимга, уйимга.
Кетар чоғим эрта туриб
мўъжазгина боғчада,
Ўз қўлим-ла эккан ниҳол
тенглашгандир бўйимга.
Укаларим дарс тайёрлаб
ўтиргандир эҳтимол,
«Ухланглар» деб ёки онам
қоймоқда бу нафас.
Акам эса мени қумсаб
хат ёзмоқда эҳтимол,
Кўшини қиздан сенга салом
деб қўйишини унутмас.
Қиш келмоқда талмовсираб
ярим бўлмай фасли куз,
Томларимиз бу йил яна
сувалмасдан қолдимиз?
Кўшинилардан ёрдан сўраб
боришга қилиб номус,
«Эҳ» деганча отагинам
мени эсга олдимиз?
Нелар билан банд билмайман,
мунис онам бу пайтда.
Аччиқ-аччиқ чойдан ҳўнлаб
ширин ўйга толгандир.
Кўз ўнгига келган маҳал
суратим қайта-қайта
Пиёлага сузиб қўйган
чойи совиб қолгандир.
Йўлдош ПАРДАЕВ

14 ЯНВАРЬ—

Ватан ҳимоятлари кунин

ВАТАН ТАЯНЧИ

(Бошланғичи 1-бетда) мамлакат фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, бунёдкорлик меҳнати ва хавфсизлигининг кафолати сифатида мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ва унинг тарихий вазифаси эътироф этилганнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 3 июлда Қуrolли Кучларнинг вазифаларини, уларнинг ташкил этилиши ва тузилишини белгилайдиган «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат ҳақида»-ги Қонунларни қабул қилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси мамлакат Қуrolли Кучлари ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон давлати мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакат мудофаа қудратини, унинг миллий хавфсизлигини ишончли таъминлашга йўналтирилган, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий ва ҳарбий характердаги тадбирлар тизимидagi ягона давлат сиёсатини ўзида жамлаган ҳужжат 1995 йил 30 августда Республикаимиз Олий Мажлисининг III сессиясида қабул қилинган «Ҳарбий доктрина» ҳисобланади. У давлат стратегиясининг деб-қасди сифатида ҳарбий сиёсат асосида ҳарбий фаолият ҳамда ҳарбий қурилишнинг йўналиши ва тамойилларини белгилайди.

Қуrolли Кучларимиз фаолият кўрсатиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуж-

га оширилмоқда», деб таъкидлаган эди.

Қуrolли Кучларимиз билан бир қаторда, ҳарбий прокуратура идораларини қайта ташкил этиш ва фаолиятини туб ислоҳ қилиш жараёни кизгин бормоқда.

бирлар қисқа вақт ичидаёқ Ҳарбий прокуратура иш самарадорлигини оширишга, жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш, ҳарбий қисмлар, корхона, муассаса ва ташкилотларга етказилган мулкий зарарларни

лари томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари тўғри режалаштирилганлиги ҳамда ташкил этилганлиги натижасида жиноятлари фош этилди.

Терговчиларнинг асосий эътибори жиноятлар билан етказилган зарарларни давлатга

лан ишловчи офицерлар билан суриштирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш масалаларига оид ўқув-семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳарбий прокуратура идораларида ишловчиларнинг аксариятини ёшлар

МУҚАДДАС БУРЧ

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳарбий прокуратура органларининг ишини ташкил этишнинг ўзига хос томонлари мавжуддир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»-ги ва бошқа қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ички ва қоровул қўшинлари бош-қармалари, Фақуллода вазиятлар вазирлиги тармоқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг ҳарбий идораларида ва ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмаларида ва уларга бўйсунувчи қўшинларда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бевосита ўзининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

ундириш фаолиятига кескин ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳарбий прокуратура соҳасида ислохотларни ўтказиш, жойларда қатор янги ҳарбий тузилмаларнинг таркиб топиши билан боғлиқ равишда прокурорлик назорати ҳажмининг кенгайиши жараёнида

Ҳарбий қўмондонлик билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида 1999 йил мобайнида Қуrolли Кучларда жиноятчиликнинг камайишига эришилди.

Ҳарбий прокуратура ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, ички ва қоровул қўшинлари, Қуrolли Кучларда тегиштурувлар ўтказиш жараёнида асосий эътибор ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши, Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари талаблари бажарилишига, Қуrolли Кучлар Низомларига риоя қилишни таъминлашга қаратилди. Қонунбузарликларга йўл қўйилган ҳолатлар юзасидан маъсул ҳарбий хизматчиларга нисбатан прокурорлик таъсир чоралари қўллангани, жиддий ҳолатлар юзасидан жиноий иш кўзгатилади.

ундиришга қаратилмоқда. Масалан: Республика Ҳарбий прокуратураси терговчилари собиқ мансабдор шахслар томонидан содир этилган талон-тарожлик жиноятини фош этиш жараёнида давлатга 22 миллион сўмлик зарар ундирилган. Вазирликнинг Тиббиёт бошқармаси собиқ раҳбарлари томонидан Қуrolли Кучларга етказилган 131 миллион сўмлик зарар аниқлашиб, ундиришга киришилган.


Республика Ҳарбий прокуратураси ҳарбий хизматчилар, айниқса, оддий аскарлар ўртасида қонунларни тарғиб қилишни кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган фаолиятни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» дастуридаги «Жараён» кўрсатувидида мунтазам равишда иштирок этиш йўлга қўйилди. Ҳуқуқ тарғиботи мақсадида ҳарбий прокурорлар марказий ва вилоят оммавий ахборот воситаларидан кенгроқ фойдаланмоқдалар.

Округ ва куйи прокуратура-ларда, ҳарбий бўлинмаларда кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар юзасидан суриштирув ишларини қонунга монанд равишда олиб боришни таъминлаш мақсадида, шахсий таркиб би-

ташкил этади. Жумладан, конституциявий ҳарбий прокурорлар ҳам асосан 30-35 ёшда бўлган ходимлардир.

Утган йилнинг ўзида Термиз, Жиззах, Фарғона, Самарқанд ҳарбий прокурорлари ва Ҳарбий прокуратура марказий маҳкамасининг судларда ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, умумий назорат, жиноятларни тергов қилиш бошқармалари терговни назорат қилиш бўлими бошлиқлари лавозимларига ўзларини текзор ишларда ҳар томонлама кўрсатган, муқаддам юқори лавозимларда ишламаган, ишга чанқоқ, фидокор ёшлар тайинланди. Бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Уйлайманки, давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатиб берилган йўлдан собитқадамлик билан бориб, Ҳарбий прокуратура ходимлари Ватанимиз тинчлиги муҳофазасига, мустақиллигимиз қудратига ўзларининг сезиларли ҳиссаларини қўшавердилар.

Пировардида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти номидан барча ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини, ишчилар ва хизматчиларни, Қуrolли Кучлар фахрийларини «Ватан ҳимоячилари кун» билан табриклайман ва уларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ҳамда мустақил Ўзбекистон мудофаа қудратини янада юксалтириш борасидаги маъсулиятли, жанговар хизматларида муваффақиятлар тилайман.



Миллий армия — Ўзбекистон Қуrolли Кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги гоят муҳим ютуқ бўлди. Ислоҳ КАРИМОВ



жатларни ишлаб чиқиш тақомиллаштирилиб, Республика Президентининг 1996 йил 9 октябр кунги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг «Ички хизмат», «Интизом», «Гарнизон ва қоровуллик хизмати» Низомлари тасдиқланди. Қуrolли Кучларимизнинг «Саф» Низоми Мудофаа Вазирининг 1996 йил 14 октябрь кунги буйруғи билан амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Республикаимиз Президентини Ислоҳ Каримов Қуrolли Кучларни, Чегара қўшинлари ва Ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич, чуқур ислоҳ қилиш масалаларига оид йўналишларни кўрсатиб бериб, «бу жараён ягона мақсаддин — ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амал-

ва унга бўйсунувчи ҳарбий прокурорлар орқали амалга оширади.

Ҳарбий прокуратураларнинг иш услуби ҳам ўзига хосдир. Қиёсласак, воқеа жойида ҳарбий терговчи бир вақтда ҳам терговчи, ҳам жиноят-қидирув хизмати текзор ходими, ҳам ЭКБ эксперти ва бошқа бир қатор вазифаларни бажаради. Демакки, жиноятни очишга тўлиқ маъсул ҳисобланади.

Ҳарбий объектларда умумий назорат тегиштирувини ўтказишда ҳам ҳарбий прокурорнинг ўз ишига мутахассисларни жалб этиши тор доира билан чекланган.

Ҳарбий прокурорлар бир вақтнинг ўзида Республика Қуrolли Кучлари офицерлари бўлганлари учун улар доимо юқори даражада жисмоний ва жанговар тайёргарликларини таъминлашлари шарт ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Республика Президенти Фармонида мувофиқ тарзда ва қўшимча штатлар ва маблағларни сафарбар этмай ўтказилган ислоҳий тад-



Ҳарбий прокуратурада тергов савиясининг оширилганлиги босиб оғир турдаги жиноятларнинг фош этилишига эришилди.

Республика Ҳарбий прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси терговчи-

ТАХРИРИЯТДАН

Ушбу мақола чоп этишга тайёрланаётганда муаллифга адлия полковниги унвони берилгани ҳақида хушхабар олдик. «Хуқуқ» ўқувчилари номидан Баҳодир Акбаралиевич Дехқоновни адлия полковниги унвони билан табриклаймиз.

БИЪГА ЖАВОБ БЕРАДИЛААР

«**Ҳуқуқ**»нинг 1999 йил 13 октябр сонида «Дунёда инсон каби», 1999 йил 24 ноябрь сонида «**Ғри топилмаепти**» сарлавҳали мақола-лар эълон қилинган эди. Ушбу мақолаларда кўрсатилган важлар юзасидан текширув ўтказиб, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида жавоб беришларини сўраб, тегишли ташкилот-ларга мурожаат қилган эдик. «**Ғри топилмаепти**» мақоласи юзасидан Республика Прокурату-расидан ўз вақтида жавоб олдик.

«**Ҳуқуқ**» газетасида эълон қилинган «**Ғри топилмаепти**» сарлавҳали мақола юзасидан жиноят ишлари бўлиши билан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, 1999 йилнинг 23 дан 24 майга ўтар кечаси номаълум шахслар томонидан Қашқадарё вилояти Яққабог тумани, Ж. Михлев номи жамоа хўжалигининг Тўқбой қишлоғида яшовчи Ж. Юлдошев ва унинг турмуш ўртоғи Х. Эшонқуловларнинг уйдан 4 бош мол ўғирланган.

Мазкур ҳолат юзасидан 1999 йил 27 майда Яққабог тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси Х. Ризақулов томонидан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б», «г» бандлари билан жиноят иши кўзга тутилган.

Тергов ҳаракатлари ўтказилиб, 1999 йил 1 ноябрда жиноятни содир этган шахслар аниқланмаганлиги сабабли ЖПК 364-моддаси 1-бандига асосан тергов тўхташилган.

Жиноят иши Қашқадарё вилоят прокурату-раси томонидан ўрганиб чиқилиб, қабул қилинган қарор 1999 йил 28 ноябрда бекор қилинган.

Республика прокуратураси томонидан жиноятни фош этишга қаратилган тергов ва тезкор ҳаракатлар ўтказилиши ва мақолада келтирилган важларни текшириш борасида кўрсатмалар берилди. Тергов устидан назорат ўрнатилди.

Терговни сифатсиз олиб боргани, бир қатор зарур тергов ҳаракатларини ўз вақтида бажармаганлиги учун терговчи Х. Ризақуловга нисбатан иштинговий иш кўзга тутилди.

Жойига чиқиб ўтказилган суҳбатда Х.

ТАҲРИРИЯТ ХАТҚУТИСИДАН

Эшонқулова яна бир неча шахсларнинг ҳам от ва моллари ўғирлангани, лекин бу ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўрилмаётгани ҳақида важлар келтирган. Лекин бу ҳол тасдиқни топмади.

Сўралган Ерматов Омон 1998 йилнинг 1 майига ўтар кечаси молхонасидан номаълум шахслар 2 та молни ўғирлаб кетишининг, бу ҳақда участка вахсилга айтишгани, у билан бирга молларини қидиришганини, лекин натижа бўлмаганини кўрсатган.

Аниқланишича, мазкур ҳолат юзасидан 1998 йил 11 майда Яққабог тумани ИИБ терговчиси Н. Халилов томонидан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан 6-48/98 сонли жиноят иши кўзга тутилган. Тергов натижасида 1998 йил 14 декабрда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахслар аниқланмаганлиги сабабли ЖПКнинг 364-моддаси 1-бандига асосан тергов тўхташилган.

Бундан ташқари, ўтказилган текширишда 1999 йил 17 октябрда «Пахтакор» қишлоғида яшовчи А. Холматовнинг уйдан 1 та молни ўғирланганлиги ҳолати аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан Яққабог тумани прокурори И. Холданов томонидан жиноят иши кўзга тутилди, терговни олиб бориш туман ИИБга топши-рилди.

«Пахтакор» қишлоғи ҳудудида ишлаётган ҳудуд ноэри Р. Рўзиёв ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги сабабли унга нисбатан туман прокурори томонидан иштинговий жавоб-гарликка доир иш кўзга тутилди.

Ш.МУҲАМЕДОВ,

Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия қатта маслаҳатчиси

ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

«**Ҳуқуқ**» газетасининг 1999 йил 13 октябр сонида чоп этил-ган «Дунёда инсон каби» мақо-ласида кўрсатилганидек, фуқа-ро Зархол Дониёрова Оқтом қишлоғида яшовчи Суяра Холму-ровов билан 1991 йилда турмуш қуриб, 1999 йил март ойига қа-дар бирга яшаган. Ўрталарида уч нафар фарзандлари бор. 1999 йил март ойидан бери оилавий келишмовчилик сабабли З. До-ниёрова К. Мойлиев номи жа-моа хўжалиғида акасиникида яшаб келмоқда.

С. Холмуродовдан уч нафар фарзанди учун алимент унди-риш ҳақида суд қарори чиқари-ган (қачонлиги кўрсатилмаган). Шунга кўра, З. Дониёрова К. Ашуров номи жамоа

хўжалиғида 1999 йил май, июнь ойлари учун 3448 сўм, июль, август, сентябрь ойлари учун 5770 сўм, ямғир 9258 сўм али-мент пулларини шахсан олган-лиги аниқланди. Шунингдек, З. Дониёровага хўжалик томони-дан ҳисобланган жами 20 389 сўм нафақа пулининг 16346 сўми натура шаклида олиб берилган, қолган нафақа пуллари нақд пул ёки натура шаклида тўла-ниши З. Дониёровага ўтган йилнинг 29 апрелида ёзма равишда маълум қилинган. Шунингдек, З. Дониёровага нафақа ва алимент пулларини ўз вақтида тўламаганлиги учун жамоа хўжалик раиси С. Нура-лиев ва бош ҳисобчи У. Суяро-лар оғоҳлантирилди. Шикоят

хатида кўрсатилган бошқа ҳолатлар ўз исботини топмади.

Шикоят-ариза юзасидан ту-ман прокуратураси ҳам шугул-ланди ва тегишли чоралар кў-рилди. (Туман прокуратураси томонидан жавоб келмаган!) Тегишириш жараёнида З. Дони-ёрова жамоа хўжалик томо-нидан берилган 5 ойлик алимент ва 16 346 сўмлик болалар нафа-қаси пулларини олганлиги, бун-дан қониқши ҳосил қилганлиги ва жамоа хўжалик раҳбарла-рига ҳеч қандай эътирозини йўқ-лигини билдирди.

О.БОБОКУЛОВА,

Яққабог туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгаши раиси

З.ДОНИЁРОВАНИНГ ТУШУНТИРИШ ХАТИДАН

Мен Дониёрова Зархол, таҳририятга хат ёзишдан буён К.Ашуров номи жамоа хўжалиғи томонидан, собиқ турмуш ўртоғим С. Холму-рововдан 9258 сўм алимент пулини ундириб олдим. 16 минг сўм нафақа пулига мол олдим.

Уй-жой масаласини эса туман хотин-қизлар кўмитаси раиси ўзим ҳал қилиб берачан, деди. Ажрим чиқариш, мол-мулкимни мусодара қилишда прокуратура ёрдам беряпти. Олиб борилаётган ишлардан қониқмаган.

ТАҲРИРИЯТДАН

Мана, жавоблар билан танишдингиз. Айтмоқчимизки, аввало, таҳририятга ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилганликларни учун тегишли ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Шу ўринда бир гапни айтмоқчи эдик.

Азизлар! Мана, шикоятлар қисман бўлса-да, ўз жавобини топаёпти, бунинг учун албатта, матбуотда овозга бўлиш шартмикин? Бу кўрилган чора ўз аҳволига чора тополмай шикоят ёзишга мажбур бўлган Қашқадарё вилоятидаги биргина аёлнинг шикоятигагина жавоб, холос. Бундай Зархоллардан яна бир қанча бўлиши мумкин-ку! Ҳар ҳолда, уларга жойларда оддийгина эътибор зарур. Шундагина бизга келаётган шикоятлар оқими камайиши мумкин.

2000 йилда изтиробли шикоят эмас, балки қувонч билан битилган мақтۇбларни кўпроқ олсак деймиз.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Зинатулла Сайфуллин таҳририятга хат йўллаб, бузилган ҳуқуқи тикланишида ёрдам кўрсатишини сўраган эди. Хатда ёзилишича, у «**Гулистонқурилиш**» трестига қарашли 18-МККда пай-вандач бўлиб ишлаган, лекин ташкилот банкрот бўлган, ишдан бўшган. Трест маблағсиз қолгани боис, унга ҳам 91630 сўм миқдоридagi иш ҳақи тўланмасдан қолиб кетган. У иш ҳақини ундириб беришни сўраб, кўп жойларга мурожаат қилган, бироқ ҳеч қандай натижа чиқмаган.

Биз З.Сайфуллиннинг шикоят хати юзасидан текшириш ўтказиш-нини сўраб, аризани Сирдарё вилоят прокуратурасига йўллаган эдик. Яқинда вилоят прокуратурасидан текшириш ақулари ҳақида жавоб хати олдик.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Сирдарё вилоят прокуратураси фуқаро Зинатулла Сайфуллиннинг шикоят аризаси юзасидан текшириш ўтказди. Маълум бўлишича, фуқаро З.Сайфуллин 1997-99 йилларда вилоят «**Мирзачўлқурилиш**» бирлашмаси тизимидagi «**Гулистонқурилиш**» трестига қарашли 18-сонли механизациялашган кўчма жамланмада пайвандчи вазифасида ишлаб келган. Унинг ўз аризасида баён этилганидек, тўланмаган, мuddати ўтган иш ҳақи 1999 йилнинг 1 июл ҳолатига 91630 сўм миқдорига бўлмай, балки 95834 сўмни ташкил қилиши аниқланди.

«**Мирзачўлқурилиш**» бирлашмасининг 1999 йил 1 июлдаги 101-сонли буйруғи билан 18-механизациялашган кўчма жамланмадаги фаолияти тугатилиб, унга тегишли бўлган барча асосий ва транспорт воситалари, фуқаролар ва хўжалик субъектларидан қарзларни қайтарши «**Гулистонқурилиш**» трести маъмурияти зиммасига юклаган.

Шу сабабли, фуқаро Зинатулла Сайфуллиннинг 18-механи-зациялашган кўчма жамланмада ишлаган пайтидаги тўланмасдан келаётган 95834 сўм миқдоридagi иш ҳақини «**Гулистонқурилиш**», трести ҳисобидан ундириш ҳақида Гулистон шаҳар судига даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, «**Гулистонқурилиш**» трестининг 1999 йил 1 сентябрь ҳолатига дебиторлик қарзлари 25799,0 минг сўмни, ишондан тўлов мuddати ўтгани 2576,0 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 18939,0 минг сўмни, мuddати ўтганлари 10642,0 минг сўмни ташкил қилган. Ишчи ва хизматчиларнинг 6529,4 минг сўм миқдоридagi мuddати ўтган иш ҳақларини ҳисоб-китоб қилиш чоралари кўрилмадан келинмаётганлиги аниқланди. Гулистон шаҳар прокурори томонидан трест бошлиғи Т.Тўрақулов ва бош ҳисобчиси К.Ортиқовага нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тутилди, мазмунан қўриб чиқиш учун судга юборилди.

Т.ҲАЙТАЛИЕВ,

Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

НАФАҚАГА МУҲТОЖМАН, ЛЕКИН...

1997 йил май ойидан турмуш ўртоғим озовликдан маҳрум қилинди. Икки нафар фарзандим учун берилаётган нафақа пулларини маҳалла кўмитаси бермай қўйди. Сабабини суриштирсам, менинг ойлигим билан болаларнинг нафақасини қўшиб ҳисоблаганда оиламизнинг умумий даромади ортиб кетишини, шунинг учун нафақа тўлаш мумкин эмаслигини айтишди.

Ахир менинг ойлик маошим ер, суе, хонадонга тўланадиган солиқлар учун ҳам етмайди-ку?!

Болаларнинг нафақа пули эса эҳтиёжларимиз учун жуда керак эди. Шундай ҳолатда маҳалла кўмитасининг болаларимнинг нафақа пулини тўлатиб қўйиши тўғрими?

Тошкент вилоят, Ангрэн шаҳар 2/2-даҳа, 15-уй, 6-хонадонда яшовчи Д.ШОДИЕВА

Ушбу хат муаллифининг саволига аниқроқ жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазир-лиғига мурожаат қилган эдик. Яқинда вазирликдан қуйидагича жавоб хати олдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан тасдиқланган «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомини 18-бандига асосан, оиланинг нафақазга муҳтожлигини аниқлаш учун мазкур оиланинг ҳар бир оиласига тўғри келадиган оила умумий даромадининг миқдори асос сифатида қабул қилинган.

Ҳар бир оила авзоисига тўғри келадиган оиланинг умумий даромадини аниқлаш учун эса барча турдаги даромадлар қўшиб чиқилади ва ҳосил бўлган сумма оила авзолари сонига тақсимланади (даромадлар деганда: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар, ижтимоий хусусиятга эга бўлган бошқа тўловлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар ҳисобга олинади.)

Ушбу Низомнинг 19-бандига мувофиқ фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мезонларни ва нафақа тайинлаш учун асосларни мазкур орган ҳисобидagi маблағлар миқдоридан ва нафақанинг белилланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда белгилайди.

А.АКБАРОВ,

Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари

ҚАРИСИ БОР УНИНГ...

ДАРҶ КЕТГАН ҚАЛБ ОФИРИҒИ

ҚАРИШТАСИ ЎИҒЛАТАН ЧЎЛЛАР

ҲИКОЯТ

Қайси бир юртда қарияларни тоғнинг орқасига элиб ташлаш урф экан. Отасини тоғ ўлида орқалаб кетаётган бир йиғит чарчади. Подарини тош устига қўйиб, дам олибди. Шунда отаси қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

— Нима бўлди, ота? — сўрабди йиғит. — Ҳей, манам отамни ташлаб келгани бораётиб худди шу жойда дам олган эдим. Шу эсимга тушиб кетди.

— Унда қарисам мени ҳам болам тоғдан ошириб ташларкан-да.

— Ҳа, ўғлим, бу кўп замонлардан буён бор одад.

Йиғит ўйлашибди. Отасини ташлаб кетгиси келмабди. Уни уйига обориб, яшириб сакласа нима қиларкин? Йиғит отасини орқалаб уйга қайтибди.

Орадан кулар ўтибди. Махлакатда шовиш-кутарилибдики, дарёда гаваҳ бор эмиш. Шувъаси нур сочиб, атрофни мунаввар қилаётган экан. Подшоҳ гаваҳни келтириб берганга эрим давлатини ваъда қилибди. Бу гапни эшитган одамлар дарёнинг сувини челақлаб ташиб бошлашибди. Аммо дарёнинг суви тугамабди, тугибаси гаваҳни ҳеч қим ололмабди. Йиғит боқеаларни отасига гапириб берибди. Чол ярим тунда ўша жойга юриб қўрибди.

— Болам, бу гаваҳ дарёнинг тубида эмас. Ҳу, анов дарастда. Қара, шувъа шу томондан тушиб турибди. Аммо бу гаваҳни бир илон қўриқлайди. Гаваҳни шу илонни ўлдиргачина қўлга киритиш мумкин.

Йиғит отаси ўргатган усул билан илонни ўлдириб, гаваҳни қўлга киритибди. Подшоҳга элиб берган экан, ажабланган шох уни қандай топганини сўрабди.

— Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечинсиз ваъда берсангизгина бунинг сирини айтаман, — дебди йиғит.

— Кечдим, айт.

— Бир қари отам бор, — сўзлабди йиғит. — Уни одамларга ўхшаб тоғ орқасига элиб ташламадим. Яшириб, уйда сақладим. Гаваҳни қандай топганини отам ўргатди.

Подшоҳ йиғитга ярим давлатини ҳадя қилиш билан бирга қарияларни тоғ орқасига обориб ташлашни таъқиқловчи, аксинча уларни асраб-авайлаш ҳақида фармон берибди...

билан кўзларини артди. — Қанийди, ўшанда чолига қўшилиб уям кетганида... Э, йўқ, — она ёқасига туғлади. — Қариганда бу нима шакколик... Ахир, унда болаларнинг олдидига қарзларини ким узлди. Мана, тўрт ўғли ҳам фарзандларини суйиб ўтирибди. Э, уларданам ўпқалашга ўрин йўқ. Ҳеч қайсиниси ўзларидан ортмайди. Иш, бола-лар, турли ташвишлар. Шундоқ ҳам тўрт йил инжиқликларини кўтаришди, барака топқурлар. Аслида-ку, ўзи айбдор. Болалари кўйинг, уят бўлади, дейишига қарамай, «индон»га кетаман деб туриб олди. Уртанча келинининг «Тезроқ тузала қолмадигиз», деган гапини кўнглига оғир олди кампир. Э, кўнглининг кўчасидан. Катта ўғли сизга қарашга бошқа бир одам топмоқчимиз, деса бадтар жахли қолди. Менга қарашга ор қилмай-сяпти, деди. Эх, кампир кўнглима. Бу ерга келгани яхши бўлди бир ҳисобда... тинчгина... Дўхтирлари ҳам қўли енгил экан, анча тузуқ бўлиб қолди. Тенгқурлари билан суҳбатлашиб ўтиришди, қизик-қизик воқеаларни эслашди, бир-бирига кўнгли беришди.

Бирни қўриб шукр қил, бирни қўриб фикр қил, деганлари рост экан. Ана, Қумри кампирни ўғли уйдан чиқариб юборибди. Сал наридаги хонада ётган Камол чол ҳам ўғлидан кўп шикоят

қилади. Неча марта оёқ-қўлларини синдирган, дейди. Шукр, ўғиллари унга кўл кўтаришмади... Фақат... Мана, бир ойдирки, болаларидан дарак йўқ. Нима бўлди? Ишқилиб, тинчликмикин? Ҳу, бир келганида Абро-рининг қизи совчи келганини, тўй куни белгиланганини айтганди. У кун ҳам ўтиб кетди. Тўйга нега чақиршмадидан? Безовта қўрилари келмагандир балки... Сарварининг катта ўғли салчатоқроқ чиқди... Мелисага тушди, деб эшитгани бор, кўнгли ҳеч тинчимаяпти. Ёшгина ниҳол қамалиб кетса-я, умри зое бўлади-ку... Кичкиналигида ўғлига кўл айтиди, болангни ортқича эркалата-япсан, эркаланини кўтарадиган бола бўлади, кўтармайдиган. Болангни каттироқ тутиш керак, деди. Тинглашмади. Опа, сиз бола боқиб чарчагансиз, ўғли-маризни ўзимиз тарбия-ляб оламиз, дейишди. Эх... учинчи ўғли кўп ихди. Хотинини ураверганидан шўр-ликкина ҳўжайинининг ҳамма қарин-дощларини, Каромат ани ҳам кўрарга қўзи йўқ. Болаларини ҳам тинмай қаргайди...

Кенжабойи бойиб кетсам деб ўзини ўтдан олиб чўққа уради. Хали уни алдаб кетади, ҳали буни боллайди. Билмайдими, Худодан бирон нарса сўраш учун шунга сал муносиброқ бўлиш керак. Фойда кўраман деб зарар қилиб юради болагина. Каромат ая тин олди. Ҳамма айб ўзида, етим деб болаларни аяди, оғир ишларнинг ҳаммасини бўйнига олди, кўнгли-ларига кўп қаради... Эҳ, майли, дунёнинг томошаси кўп, у кунлар ҳам ўтиб кетар.

Ая яна деразадан мўраллади. Ия, анови Саодат кампирни олиб кетишариптими... — Вой, муни қаранга-а, — кўшинсининг овози аянинг хаёлини бузди. — Саодатни қувей билан қиз олиб кетишариптиганмиш. Кувейи уришаверганидан кейин бу ерга келиб ўтириб олганди-ку. «Онажон, Сиз кетганингиздан кейин уйимиздан фаришта қочди, ҳамма ишларини миз орқага кетди, юринг, бизни кечиринг, уйимизнинг тўрида бизни дуо қилиб ўтиринг», дебди қувейи...

Каромат аянинг кўзи ёшланди... Уни ҳам олиб кетишгани келишарипти... Болаларини фаришталар ташлаб кетишмадимкин ишқилибди?...

Муҳаббат ТҶАБОНОВА,
Хоразм

ҲИКОЯТ

Басра шаҳрининг ҳокими дам олиш учун ўз боғига таширф буюрибди. Шу боғни парваришлар юрган боғнингиз жуда гузал хотини бор экан. Ҳоким ул паривашининг чеҳрасини кўриб, кўнглида унга майл уйғонибди. Шундан сўнг боғонни узокроқдаги юмушга жўнаптиди. Ҳоким аёлга юзлашиб, боғ эшиқларини бекитиб келмоқчи буюрибди. У қайтиб келгач, «Сен ҳамма эшиқларни бекитиб келдингми?», деб сўрабди. Аёл эса ҳокимнинг бузғун ниятини фаришталар билади:

— Ҳамма эшиқларни бекитдим. Фақат биргина эшиқ қолди. У ҳам бўлса менинг вимдоним ва эримга бўлган садоқатим эшиғидир? — дебди. Бундай оқилона жавобдан гапниб қолган ҳоким номусли аёлдан дарҳол узра сўраган экан...

«ОНАМ БОР, ОНАСИЗМАН...»

Ойсаранинг (айрим сабабларга кўра исмлар ўзгартирилди) хатти-ҳаракатларидан уйдагилар, маҳалладагилар, ҳатто эри ҳам шубҳалана бошладилар. Бир куни қайнонаси унга танбех берди.

— Ишингиз бўлмасин, — деди келин қайнонанинг гапларини писанд қилмай. — Ўғлингизни шаҳарда хотини бор. Ишини деб, ўз уйига ойда бир келса. Мен ёш умримни шундай ўтказайми?

— Ойсара! Келимин бўлганингиз учунгина эмас, туғишган синглимингиз қизи бўлганингиз учун ҳам айтаяман. Бу қилиқлардан онангиз хабар топса нима бўлади, қизим...

Шу тобда қайнонанинг насиҳати келинга қор қилмасди. Шунинг учун келин ўз билганидан қўлатди...

— Ушанда олти ёшли қизча эдим, — дейди Ойсаранинг тўнғич қизи Малика, ўша машғум кунларни эслаб. — Бувим чиройли кўйлакчани менга кийгизар экан, «Шаҳарлик аянг бериб юборибди», дедилар. Кўйлакчани кийдим, еру кўкка сиғмай севиндим. Лекин ўша дамда шаҳарда қанақанги аям борлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Ўша пайтда ўзимнинг онам (онам дейишга тилим бормайди) биз билан бирга турарди. Онам, кечаси биз ухлагач, устимиздан қўлқаб кўчага чиқиб кетарди. Ярим тунда сингилларимнинг бири кўйиб, иккинчисининг йиғлашидан чўчиб уйғонардим. Қўрқудан чирокни қўқиб, сингилларимни тинчлантирдим-да, тик этган товушга ёқиб тутиб ётардим. Тонч саҳар машина товуши эшитилгач, онам уйга кириб келарди.

17 ёшга кириб эсимни танганимда, ҳамма нарсани тушуниб етгандай бўлдим. Ўша кезларда дадамни нега бошқа аёл билан яшаганлигини энди тушунгандайман. Дадажоним холасининг қизига ўйлангани учун, баъзи андишага бориб, қизларини тирик етим бўлмасин дея никоҳларини бекор қилмаган эдилар. Улар қоғозда эр-хотин бўлишса-да, аслида бутунлай бегона эдилар.

Аёлнинг турфа фазилатлари ичра ҳаё марваридга ўхшайди. Бу марвариднинг кадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Қўнча Шарқ аёли ҳаёси, иффати, бемисл латофати билан асрларки, дунёни лол қўлиб келаёттир. Лекин шולי қурмаксиз бўлмагандик...

— Дугоналарим, — дейди Малика суҳбатимиз чоғида, — дадалари, аялари ҳақида аллақандай гурур билан эркаланиб гапирарди. Мен эса шундай кезларда барбод бўлган оиламизни эслаб, ўзимни лойқайб тутишга ҳарчанд уринмайин, оёқларим остидая эр бехосдан ёрилиб, мени ўз қомига тортишини, бутунлай йўқ бўлиб кетишини истардим. Қизлар, йиғитлар муҳаббат ҳақида пичирлаб сўзлашганларида ўзимни кўрарга жой топа олмаб қолардим. Чунки, негадир бунақа сирли ширин суҳбатларга қўшилишга ҳақ-ҳуққусиз деб санардим ўзимни. Билмайман нега шундай ўйламан...

1997 йили Ойсара эри Алижонни судга берди. Унинг мақсади ўртадаги мол-мулкни бўлиш эди. Бу оиланинг моддий аҳволини ўрганган суд Ойсаранинг фойдасига 72900 сўм учдириш ҳақида қарор чиқарди. Фарзандлар эса отада қолди. Бизнинг суд чиқарган қарорга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ, лекин Ойсарага айтар икки оғизгина сўзимиз бор. Фарзандлар отада қолса-ю, она ўзининг ёлғиз боши учун фарзандларини тарбиялаб боқаётган эри билан мол-мулк талашса! Ота бўлини етиб қолган қизларига сеп қилиш ўрнига, собиқ хотинига ойма-ой пул тўласа?!

Ҳар ким бу ҳаётда ўзича мулоҳаза юрилади. Ойсара фарзандларидан кечиб, бошқа эрга тегиб кетди. Лекин унинг фарзандлари бошини сийлайдиган аёл ҳам топилди. Алижон ўша шаҳарлик аёлни қишлоққа олиб келди. Аёлнинг Алижондан икки нафар ўғли бор эди. Мунавваржон икки ўғлига қўшиб, икки қизининг ҳам бошини силади. Уларни оқ ювиб, оқ тарари. Катта рўзгорни тебраттиш, Ойсаранинг қарзини тўлаш учун ҳатто уйдаги айрим нарсаларни сотишга ҳам мажбур бўлди.

— Қарз тўлашимиз деб жуда қийналиб кетдик. Аям билан дадам уйдаги телевизорни ҳам сотиб юборишимиз, — дейди Малика. — Укажонларим «Рамаёна-ни қаерда кўрашимиз энди», деб роса йиғлашди. Уларнинг севимли нарсаларидан жудо бўлганликларини кўриб, мен ҳам тўлиб-тўлиб йиғладим. Буларнинг ҳаммаси менинг онам туфайли бўлаётганлиги учун ҳам йиғладим. Эҳ, онам-а, бизнинг қийналганимизни бир кўрай дедингизми? Ўйлай-ўйлай ҳақиқат-у, боласига эртақ сўзлаб берадиган оналар осмонда экан деб қоламан. Бизнинг онамиз бошимизни силаш ўрнига ёш бошимизга тиркиччилик, турмуш ташвишларини эрта тушириб кетди. Қинғир ишининг касри урдими, синглим Азиза оғир бетеб бўлиб ётди-ю, вафот этди. Бу ўлим менинг қаддимни яна ҳам эгди. Эҳ, одамлар ҳеч қим биздек онаси бўла туриб, онасиз қолмасин.

— Синглим Маликахон, — дедим қизга тасалли бериб. — Сен ҳеч ундай ҳаёлга бормагин. Сенинг қанотларинг асло қайрилгани йўқ. Ўз фарзандларига қўшиб бошларинг билан онам Мунавваржон, дадан Алижонлар ҳаммиша бахтларинга соғ бўлсин. Сизларни зор қақшатган онам бир куни пушаймон бўлиб қайтди.

Ёркиной ҚОСИМОВА, журналист

— Ай... — ая энгнинг учу

Internet ХАБАРЛАРИ

НАЦИСТ ЖИНОЯТЧИ ЎЛИМ ТЎШАГИДА

Нацист жиноятчи Морис Папон юрак хуружи туфайли касалхонага ётқизилди. Собик арбоб, 89 ёшли Папон иккинчи жаҳон урушида инсониятга қарши жиноятлар қилганликда айбланмоқда. Унинг адвокати маълум қилишича, Папон ўлим тўшагида ётибди.

ТЎСАТДАН ВАФОТ ЭТДИ

Грузия давлат хавфсизлиги вазирлиги собик хизматчиси 29 ёшли Темура Папуашвили Тбилисидаги тергов изоляторидан тўсатдан вафот этган. Папуашвили Грузия президенти Эдуард Шеварднадзега қарши суиқасд уюштиришда айбланиб, унинг устидан тергов олиб борилаётган эди. Папуашвилининг қариндошлари у ўлдирилган, деган фикрни айтмоқдалар.

ҚАБУЛХОНАДА ПОРТЛАШ

Шри Ланка пойтахти Коломбода мамлакат бош вазирга суиқасд содир этилди. Террорчи аёл давлат бошлиги қабулхонасига бостириб кириб, портловчи қурилмани ҳаракатга келтирган. Портлаш натижасида 11 киши ҳалок бўлган, 30 нафарга яқин киши жароҳатланган.

ТОҒДАГИ ФАЛОКАТ

Ўтган йилнинг сўнгги кунларида яна бир нохуш хабар тарқалди. 28 декабрь оқшомида рус альпинистлари Владимир Смирнов, Ирина Либова ва Илья Красик Мексикадаги Оризаба тоғларидан пастликка қулаб тушган.

Учала альпинист ҳам Америка тармоқ туристлар клуби аъзоси эди. Орадан бир неча кун ўтгач, уларнинг жасадлари вертолёт ёрдамида қидириб топилди.

Тахминларга қараганда альпинистлар тик тоғ ёнбағридан тушиб пайтида фалокатга учраган.

МУШТАРИЙДАН ХАТ

ЖОИЗ БЎЛСА, ТАКЛИФ ЎРНИДА МУЛОҲАЗА

Ассалому алайкум ҳурматли тахририят ходимлари. Мен Сизларни бутун қишлоғим, оилам номидан янги — 2000 йил билан муборакбод этаман. Мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб яшнаши учун, ҳуқуқий демократик жамият қуришда, қонун устуворлигига эришишда, ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ҳақиқатни юзага чиқаришда ҳормай-толмай меҳнат қилишларингизда дадиллик ҳамроҳингиз бўлсин. 2000 йил Сизларга, оила аъзоларингизга фақат яхши кунлар, эзгулик ва омад, соғлиқ, бахт келтирсин.

Хурматли тахририят. Шу ўринда мен сеvimли газетам бўлмиш «Хуқуқ»ка ўз мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчи эдим.

Радио, телевидение газета ва журналлар, умуман матбуотни давлат билан жамият ўртасидаги энг яхши восита деб биламан. Бирок, мен буларнинг ўрнини ўзимча таҳлил қиламан. Радио, телевидениеда бериладиган жамики керакли нарсалар, кўрсаткичлар фақат бир марта кўрсатилади, боринки, такрорий бўлсин. Шунда ҳам кўрган кўриб, эшитган эшитиб қолади, холос.

Газета ва журналларни эса сақлаш, ундан хоҳлаган пайтингизда такрор-такрор фойдаланишингиз мумкин.

Шунинг учун ҳам мен газета ва журналларни сеvim ўқиш билан бирга уларни авайлаб-асраб қўяман. Зеро, у бир кун келиб асқотиб қолади.

Баъзан содир этилган жиноятларни эшитиб, наҳотки, инсонларнинг мол-мулк, пул, моддий бойликка бўлган хирслари виждон, одамийлик деган тушунчалардан устун бўлса, деб ўйлаб қоламан. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида менимча, болаликдан ёшларга эгрлик ва тўғрилиқ ҳақида кенгроқ тарзда,

яъни қонунлар билан асослаб тушунтириб борилса яхши бўларди. Тўғри, ҳозир ҳам мактабларда ўқувчилар учун ҳуқуқшунослик дарслари ўтиляпти. Аммо бу билан ўрта мактабларда 4-синфдан бошлаб қонунчиликни ўргатадиган дарслар тўғри ташкил этилган, деб бўлмайди. Ҳуқуқшунослик фанини ҳам алоҳида фан сифатида малакали, ҳуқуқшунос ўқитувчилар олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги кунда қонунни, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилувчи китоблар сотувда турибди. Аммо, бу китобларни ҳамма ҳам олиб ўқийвермайди. Чунки, бу китоб, қўлланмалар фақат суд-прокуратура ходимлари, милиция ходимлари учун, уларнинг иш фаолиятлари учун керак бўлади, деган тушулган мавжуд. Бирок, кези келса, биз оддий кишилар ўз ҳуқуқимизни қандай ҳимоя қилишимизни, нималар қилишимиз кераклигини билмаймиз. Шу вазиятдан чиқиш учун қонунлар билан мактаб ёшидан бошлаб шугулланилса яхши бўларди.

Шу маънода, меҳнат жамоаларда, маҳалларда ойда бир марта бўлса ҳам ҳуқуқий саводхонлик борасида тушунтириш ишлари олиб борилса, аини мудида бўларди. Ҳуқуқий билим, савия инсонларнинг тўғри хатти-ҳаракатларини белгилаб беради, деб ўйлайман. Чунки, мисол учун, баъзи маҳалла раислари қонунни тўғри тушунганларида, виждон азобидан кўрққанларида давлат томонидан бериладиган ёрдам пули, нафақа пулларини эгаси қолиб, бошқа бир танишига бериб юборармиди? Менимча, мана шундай салбий ҳолатлардан ҳалос бўлмас эканмиз, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий, маънавий ҳаётида ривожланиш бўлмайди.

Рамазон ҚУЛТЎРАЕВ, газетхон

Ё, АЛҲАЗАР!

Виждон азобида ўртаниш ёмон. Билиб-билмай, енгилтаклик билан қилинган ҳар бир ноҳўят хатти-ҳаракатнинг оқибати, интихоси борлигини Рухсора (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) кеч сездди. Ким билсин, балки эртарақ бу ҳақда ўйлаганида бу кунлар унинг бошига тушмасди. Ахир, унинг ҳам не-не ёркин орзулари дил тўрида кат-кат яшириниб турар, бир оиланинг гули, уйнинг сариштаси бўлиши мумкин эди-ку?!

нинг 17 сентябрь куни кечки омендан ишдан қайтиб каттик ухлаб қолганди. Отанаси ҳам қўшни хонада ҳордиқ чиқаришарди. Хонадонда фақат Рухсора уйғоқ эди. Уни ошхонада тўлғоқ тутарди, бирпас ўтмай чақалоқ ҳам туғилади. Қизми-

ЕНГИЛТАК

Лекин шундай бўлиб чиқмади, афсус. Бунга эса фақат ва фақат Рухсоранинг ўзи айбдор. Кўйилган эгри қадам, бир лаҳзалик вақтичоғлик ҳаммасини барбод этди. Эри, ота-онаси, қайнота-қайнонаси юзига қора чаплади-қўйди...

Унинг деярли барча дугона-тенгдошлари турмушга чиқишган, жажжи ўғил-қизларини эркалаб, оилани яшнатиш, рўзгор ташвишлари билан елиб-югуришмоқда. Турмуш уринишлари, оиладаги айрим кам-кўст-лардан ҳеч ким нолимайди. Негаки, бугуннинг интилишлари замирида эртанинг ёруғ кунлари, орзумидларнинг рўёби кўриниб турибди. Рухсора 9-синфдан кейин ўқишга ҳам бормади, бирор касб-ҳунарни ҳам эгалламади. «Турмушга чиқиб олсам эрим боқмай ўлибдими? — деб ўйларди у. — Уйни саришта қилсам ҳам етиб ортади, мен қаториларнинг сони мингта-ку».

Нихоят унга ҳам «навбат» етиб келгандек эди. Кунларнинг бирида у Навоий шаҳар корхоналаридан бирида ишлайдиган, хушмуомала, камгал Зойиржон билан (айникса унинг соддалиги Рухсорага жуда-жуда ёқиб тушганди!) танишиб қолади. «Менбоб йигитга ўхшайди, — дерди қиз ич-ичидан сеvimин. — Буни қўлдан чиқармаслик керак». Ҳа, Рухсора ўйлагандек бўлиб чиқди, у Зойиржонни қўлдан чиқармади. Бир ҳафта-ўн кун давом этган учрашув, ошкочна суҳбатлардан кейин ёшлар бирга турмуш қуришга ахду паймон қилдилар. Қудалар ҳам фарзандлари раъйига қарши бормадилар. Тўй тараддуи бошланиб кетди.

Шундай қилиб, август ойининг охирида уларнинг тўй-лари бўлиб ўтади. Рухсора 24 ёшида турмушга чиқади. Аммо бирга кечган висол онларидек ҳам, Рухсора танҳо қолганида ҳам уни бир нараса қийнади, тинчлик бермасди. «Зойиржон билиб қолса нима бўлади? Ўша машъум тун, бир лаҳзалик лаззат унинг ҳаётини пароканда қилмайдими ҳали?» Дарҳақиқат, у қорнида ҳомиласи билан Зойиржонга турмушга чиққанди-да!

Келин-куёвнинг турмуши «асал ойи»-гача ҳам чўзилмади. Зойиржон эса «Ерим бор деб ёрилма, ҳақиқий ёр бўлмаса» деган нақлни эшитмаган экан. Шу йил-



ўғилми - ўзи ҳам билмайди. Ҳаммаёғи қон бўлиб кетди. Қўрқув аралаш иссиқ жон, ҳали «инга-инга» дейишга ҳам улгурмаган чақалоқни латта-путтага ўраб, ўлдириш мақсадида юзини қўли билан босиб, уни хонадаги ахлат челагига ташлайди ва «иш»ни охиригача етказиш нияти билан устига ўтиради. Ёруғ оламдан тўйиб нафас олишга улгурмаган чақалоқ ҳали ўтмай жон таслим қилади. Шунда соат эрталабки тўрт бўлиб қолганди.

Ошхонада кечаси билан чироқ ўчмаганлигидан хавотирланиб қайнота-қайнона у ерга киришади. Аҳволни кўриб Зо-йиржонни уйғотишади. Аммо, Рухсора «Ичим оғрияпти» деб баҳона қилади. Бевафо ёр, бағритош онанинг қилмиши шундай ҳам маълум бўлиб қолганди. Қўни-қўшнилар ҳам келиннинг қилмишидан воқиф бўлишади...

Тергов ва суд жараёнида ёшлик-бебошлик қабилида қалтис қадам ташлаган Рухсора илгари номаълум шахсдан ҳомиладор бўлиб, ўз чақалоғини қасд -дан ўлдириш жиноятини содир этганлигига иқдор бўлди.

Суд унга нисбатан қонуний жазо тайинлади. Аммо, умр бўйи уни бошқа бир оғир жазо - виждон азоби таъқиб этиб юрса керак. Енгилтакликнинг оқибати бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Юсуф МУСАЕВ,
Навоий шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси,
адлия маҳлақатчиси

ХАБАРЛАР

ЯНА БИР КАШФИЁТ

Тиниб-тинчимас японлар яна бир кашфиёт қилишди. Улар жаҳонда биринчи бўлиб қўл соати шаклидаги рақамли фото камера яратдишди. Унга ўрнатилган хотира қутчаси суратга олинган 100 га яқин тасвирни хотирада сақлашга қодир. Бундай митти фотоаппаратни шу йилнинг май ойида сотувга чиқариш кўзда тутилмоқда. Унинг баҳоси эса 212 АҚШ долларига тенг.

ИНТЕРНЕТДАГИ СЕВГИ

Гонконглик 18 ёшли талаба қиз малайзиялик 25 ёшли йигит билан Интернет орқали роса олти ой ишқий мактуб ёзишди.

Ва қутилмаганда қиз «электрон висол»га келишдан бош тортиди. Қиз жигаридан қаттиқ урган шеклини, йигит бундай бевафоликка чидай олмади Гонконгга қўшдаги учиб келди. Аммо қизни уйдан тополмагач, алам устида унинг 45 ёшли онаси, 16 ёшли ўқаси ва бувисини гаровга олди. Ёрдамга етиб келган полиция у билан роса 4 соат музокара олиб борди ва ниҳоят, малайзиялик йигитнинг попугини пасайтириб қўйишди. «Саут чайна морнинг пост» газетаси хабарига қараганда, ошқиб йигит тергов туғалуга қадар ҳибсда ўтириб, асов ҳисларини жиловлашга уринмоқда. Қиз эса... Интернет орқали яна қимнинг бошини айлантисам экан, деб юрган бўлса ажабмас.

Ўтган йилнинг бошларида Усома бин Ладин номи бутун дунё бўйлаб тарқалди. Уни «биринчи рақамли террорчи» деб эълон қилишди. Афғонистон ҳукумати уни Қўшма Штатлар одил судлови ихтиёрига топширишдан бош тортганлиги учун БМТ Афғонистон давлатига нисбатан иқтисодий санкция қўлади. Қатор оғир террористик ақтларни уюштиришда айбланган Усоманинг эса Америка ва Швейцария банкларидаги маблағлари «музлатиб қўйилди. Унинг боши учун катта мукофот ваъда қилинди. Шу пайтгача ҳеч бир «террорчи» (бу сўзнинг қўштирноқ ичига олинганлигининг сабаби, бин Ладиннинг террорчилик фаолияти аниқ далиллар билан исботланмаган, у бундай жиноятлар ташкилотчиси сифатида гумон қилинмоқда, ҳолос) бундай «шараф»га муяссар бўлмаган эди. Хўш, дунё ақлининг «нафрати»ни қозониб улгурган Усома бин Ладин аслида ким?

айтганда «сербларнинг шахдини қайтариш» вазифасини бажаришга киришилади. Ладиннинг жангчилари боснийлик мусулмонлар қаторида жангга кириб, Босния-Герцоговинани серблардан «тозалаш»ни бошлаб юборади. Шу билан бир вақтда жангариларнинг бир гуруҳи албан сепаратизми бош кўтарётган Косовода фаолиятини бошлайди.



Қ ў ш м а Штатлар эса Усома бин Ладинга мадад бериб туришда давом этади. Уни қуроласлаха билан таъминлайди, мамлакат худудиди



Усома бин Ладин Саудия Арабистонида, бадавлат саноатчи оиласида дунёга келган. Бир қатор мамлакатларда, жумладан Европадаги олий ўқув даргоҳларида билимини оширади. Отасининг беш миллиард долларлик маблағидан қарийб уч юз миллиони қўлига ўтгач, у бир қанча мусулмон ташкилотлари билан дўстона алоқа ўрнатиб, уларни қўллаб-қувватлаб туради. Шу ўринда айтиш керакки, бу уюшмалар сиёсат ва жамият фаолиятига таъсир этишга уринаётган, ҳар қандай жиноятга, экстремистик ва террористик ҳаракатларга умуман алоқаси бўлмаган гуруҳлар эди, ҳолос.

Бин Ладин билан мазкур ташкилотлар ўртасидаги бундай муносабат совет қўшинларининг Афғонистон тупроғига киритилганига қадар давом этади. Шу вақтдан бошлаб эса Ладиннинг ҳаётида кескин бурилиш юз беради. У агрессорга қарши бошланган уруш ортида туришга аҳд қилади. Ладин ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олган қуроласлаҳалар билан афгон муҳождларининг ҳарбий салоҳиятини оширади, ислом давлатини озод қилиш ғояси йўлида уларнинг сафига келиб қўшилади. Очигини айтиш керак, Усома жангларда мардларча урушди, сафдошлари ортига беркинишни ўзига эп кўрмади. Бир неча мартаба жараҳатланди, уруш тўғрисида бир кўзидан жудо бўлди. Хуллас, жангларда тобланди. Кейинчалик маблағи ҳисобидан ўзининг кичик армиясини шакллантиришга эришди.

Ўша вақтда ҳам, ҳозирда ҳам маълум эдики, совет қўшинлари билан қақшатқич жанглар олиб бораётган Усомани гоҳ ошқора, гоҳ яширин равишда Қўшма Штатлар бошчилигидаги «тараққий этган дунё» қўллаб-қувватлаб турган. Давлат департаменти вакиллари, Марказий Разведка Бошқармаси ҳамда Миллий хавфсизлик агентлиги ходимлари афгон муҳождларини Қўшма Штатларда қабул қилади, улар билан учрашиш учун Покистон ва Исроилга йўл олишади. Космос разведкаси орқали олинган маълум

отлар асосида совет қўшинлари жойлашган нуқталар билан уларни таништиришади, замонавий алоқа воситалари, қурол-яроғларни етказиб туришади.

Бундай учрашувлардан бин Ладин ҳам ўзини олиб қочмайди. Таниқли курашчи сифатида танилаётган Ладин бир неча марта америкалик эмиссарлар билан; ҳатто ўша вақтда Миллий хавфсизлик агентлиги директори бўлган Вильям Одам билан ҳам мулоқотда бўлади. Кўп ўтмай Усома бин Ладин коммунистик режимга қарши курашда Фарб давлатларининг асосий қуролига айланади.

1989 йилга келиб совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқилади. Шундан сўнг бу ерда ўзаро ички низолағ алангалан бошлайди. Орадан икки йил ўтиб, «ёвузлик империяси» — СССР пароканда бўлиб кетади. Бундай олганда бин Ладиннинг асосий душманининг «тана»си бўлак-бўлак бўлиб кетди. Энди, нима қилиш керак, қурол-яроғини қўлдан қўйсинми? Йўқ, у бу ҳақда бош қотиришга улгурмасданок, океан ортидаги дўстлари унга бошқа йўл-йўриқ кўрсаптиди. Деярли ўн йил давом этган жангларда катта тажрибага эга бўлган унинг жангарилари энди Европа сари йўл олади. Янада аниқроғи — Балқон ярим оролига, шартли қилиб

унинг фирмалари фаолияти учун катта имкониятлар яратиб беради. Бин Ладин ҳатто солиқлар тўлашдан озод этилади ва бунинг натижасида тежалган маблағлари ҳисобидан замонавий қуроллар сотиб олади. Кези келганда бир нарсани айтиш жоиз, Америкада қурол-яроғ со-

Усома МРБ йўлига ғов бўла бошлади. Бунинг сабаби, бин Ладин дабдурустдан радикалга айланганида ёки террорчилар билан ош-қатиқ бўла бошлаганида эмас (бу сир эмас эди), балки Америкага кўпроқ «майда, аммо мағрур халқлар»нинг янги йўлбошчилари зарурроқ эди.



Европада Косово гиневандфурушлари етакчиси, Илон лақабли Хошим Тачи ана шундай йўлбошчига айланганди. Бин Ладин «кекса авлод» тимсоли эди. У ёш, «истикболли» сиёсатчиларга қиёсан анчайин ёввойи, қолқ ва «динозавр» мисол шахс сифатида гавдаланадиган бўлиб қолди. Усома билан муносабатларни давом эттириш «жаҳон ҳамжамияти» кўз ўнгида «АҚШнинг нуфузига»

путур етказиши мумкин эди.

Бу нусхани йўқ қилишга қарор қилишди. Аммо иш улар ўйлаганчалик бўлмади. Йирткичдай сезгир, кўпурчиликда катта тажриба тўплаган бин Ладин собиқ шерикларини доғда қолдириб, ёлланганларнинг учта гуруҳини йўқ қилди. Эҳтимол, унга уюштирилган суиқасдлар бундан ҳам кўпроқ бўлгандин, лекин бундай уринишларнинг учтаси ҳақида аниқ маълумотлар бор. Сўнгги суиқасд тенгги йўқ Мадлен Олбрайтнинг санкциясига биноан уюштирилган эди. Бироқ келиб чиқиши чех-европалик бўлган америкалик хоним бармоғини тишлаб қолди - Усома айғоқчилар бошлари солинган посылкани давлат департаментига юбориб, фатво қаердан берилганини билишини кўрсатиб қўйди.

Дарвоқе, қўшма штатликлар бин Ладинни гумдон қилишлари даргумон. Усома МРБнинг дала айғоқчилари билан дуппадуруст алоқасини сақлаб қолган ва шундай экан, уни тайёрланаётган «суиқасд»лардан хабардор қилиб туришлари турган гап.

Америкаликлар уни йўқ қилмагунча тинчимаслигини билган бин Ладин 1997 йил Афғонистонга келиб яширинди. Бу ер у ўзини беҳавотир ва осойишта сезадиган бирдан-бир мамлакат бўлиб турибди.

(Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди)

№ 1 РАҚАМЛИ ТЕРРОРЧИ




тилади, фақат бу осон жараён эмас. Дейлик, «Стингер» зенит комплексини сотиб олиш керак. Тегишли давлат идорасининг, яна кимни денг — Қўшма Штатлар Марказий разведка бошқармасининг расмий розилигисиз уни харид қилиб кўринг-чи! Аммо ишонч билан айтиш мумкинки, «Стингер» зенит ракета комплекслари ва бошқа замонавий қурол-яроғлар Ладинга тўғридан-тўғри заводлардан, имтиёзли нархларда етказиб берилган. Шу билан бир вақтда, Марказий Разведка Бошқармаси эмиссарлари ҳамда Давлат департаменти вакиллари у билан вақти-вақти билан учрашиб турарди.

Босния МРБга хизмат қилаётган бин Ладиннинг шавқатига қўйилган сўнгги нуқта бўлди. Бу мамлакатда «демократик кучлар ғалаба қозонгани»дан сўнг (террорчи гуруҳлар деб ўқинг)



КРОССВОРД



Энига: 1.Славянларга мансуб миллат. 3.Сабкнинг «насиба»си. 5.Сурхондарё вилоятидаги туман. 7. Миллий рақсда ҳаракат усули. 9. У ғолиблар ва марҳумларга аталади. 12.Бош кийими тури. 14.Кайф-сафо сурури. 15.Таникли инглиз ёзувчиси. 17.Шоҳона ов. 18.Хамирни супрага ёпиштирмайдиган ун. 19. Янги Зеландиянинг қирилиб кетган тунжуси. 21.Сайёҳлар йўлбошчиси. 23.Бирон нарса ёки киши дардидаги ҳолат. 25. Гондурас пул бирлиги. 26.Шамоллаш кўз ёки бурундан оқизадаган сув. 29.Кўпакнинг кичкинаси. 31.Африкадаги давлат пойтахти. 33.Замондош ўзбек шоири. 35.Суяк тўқимасининг асосий таркибий қисмини ташкил этувчи оксил. 37. Қизғиш-малла тусли от. 39. Лютеранлар ибодатхонаси. 40. Киши танаси аъзоси. 41.Туркиядаги шаҳар. 43.Икки кўзнинг ўртаси. 45. Мўғилистондаги маъмурий-худудий бирлик. 46. «Полароид»нинг иш маҳсули. 49. Дабдаласи чиққан пахта. 52. Таниқли Фаластин шоири. 54.Пиширилган эчки ёки кўй териси. 55.Зиммага ихтиёрий олинган мажбурият. 57.Таникли хорижий фирмалардан бири. 58. Ерликлар еб қўйган денгиз сайёҳи. 59. Хўл мева тури. 63. Бразилия халқ рақси. 64. Бел ва сон ўртасидаги гавда қисми. 66.Эспирантога асосланган сунъий тил. 67.«Квентин Дорворд»нинг «ота»си. 69. Муайян хизматни бажарувчи белги. 70. Америка бўриси. 71.Фотоаппарат русуми. 72.Чорвадорнинг мўғул ҳамкасби. 73. Фин-угор оиласига мансуб тил.

Бўйига: 1.Америкалик таниқли киноактёр. 2.Ҳиндистон киноси юлдузи. 3.Кўз билан кўриладиган ҳодиса. 4.Табиат ҳодисаси. 6.Аниқлашга хизмат қилувчи қурилма. 8.Ўрта Ер денгизидagi орол. 10. Пойафзал қисми. 11. Халқ оғзаки ижоди жанри. 12.Эчкида ҳам, одамда ҳам бор. 13. Таом тури. 15. Қаттиқ юмалоқ ўсимта. 16. Ақл-хушнинг қисқа мударти кескин ўзгариш ҳолати. 19. Сувда эримайдиган модда. 20. Олма нави. 22. Ит зоти. 23.Доривор дуккакли ўсимлик. 24.Кўп гапиришни хуш кўрадиган одам. 27. Тирранча, тирмизак бола. 28. Қадимги Мисрда кўёш тангриси. 30.Ушлаб қолинadиган пул. 32.Таникли ўзбек бастакори. 33. Ўзига хос девор уриш усули. 34. Гап замиридаги киноа, шама. 36. Бельгиядаги шаҳар. 38. Бириктирувчи боғловчи-сўз. 41. Ички ва ташқи аъзолар фаолиятини таъминловчи тизим. 42.Киримчиқим ҳисобининг ҳужжати. 44.Болтикбўйдаги шаҳар. 46. Таъзирини бериш орқали тўғрилаб қўйиладиган ҳолат. 47. Инглизча узунлик ўлчови бирлиги. 48. Осиё ва Америкада ўсувчи игна баргли дарахт тури. 49.«Сўнгги моғикан» романи қаҳрамони. 50. Шейрона «кўз ёши». 51. Мадрасалар талабаларига қўйилган ўртача баҳо. 53. Мучалда йили бор ҳайвон. 56. Қадимги Рим мифологиясида ов маъбудаси. 60.Ўзига хос диний оқим тарафдори. 65. Тор гуруҳли манфаатларда бирлашган шахслар жамоаси. 68. Табиий офат.

Тузувчи: Тўлқин РАҲИМОВ

Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1. «Камолот». 5. Алабама. 9. Рим. 10. Сават. 11. Истан. 12. Тўполон. 14. «Астра». 16. Айрон. 18. Катор. 21. Осуда. 24. Адиба. 26. Саратов. 27. Игна. 28. Алик. 30. Камерун. 32. Катта. 34. Сажда. 36. Автол. 38. Алоқа. 41. Илдам. 43. «Спартак». 46. Измир. 47. Равон. 48. Ақл. 49. Минерал. 50. Ахмаров.
Бўйига: 1. Каспаров. 2. Мовут. 3. Латта. 4. Трап. 5. Амал. 6. Афина. 7. Астар. 8. Арханзас. 13. Онг. 15. Рад. 17. Йод. 19. Акрамов. 20. Онгарно. 22. Ургут. 23. Асака. 24. Аванс. 25. Илнж. 29. Аквариум. 31. Раҳмонов. 33. Ток. 35. Асл. 37. Тор. 39. Осмон. 40. Асрор. 41. Икром. 42. Девор. 44. Асал. 45. Тола.

БИР ЧИМДИМ КУАГУ

У УХЛАБ ЁТГАН ЭДИ

Бир киши ўзининг маданий савиясини оширишга қарор қилади.
Метрода сотиб олган китобни ўқиб кетар экан, вақти - вақти билан:
- Йўғ-э! Наҳотки! Бундай бўлишини билмагандим! - деб кўярди.
Ёнида ўтирган киши кизикиб:
- Қанақа кизикарли китоб ўқиясиз?
- Илло луғати!

Судья:
— Судланувчи, сизнинг касб-ингиз?
— Акробат, жаноб олийлари.
— Соқчи, дарҳол деразаларни ёпинг!

Суд кетаяпти. Адвокат химоясидаги мижозига шивирлаб:
— Нима қилишням билмай қолдим. Сизни оқлашлари учун ҳамма чорани кўрдим.
— Менга қара, дўстим! Балки сен... менинг айбимни бўйинга оларсан...

Адвокат судда:
— Судья жаноблари, шуни эътиборга олишингизни сўрайман, менинг химоямдаги кишининг болалиги жуда оғир кечган - унга ота-онаси шахсий компьютер олиб беришмаган.

— Айбланувчи, жабрланувчи сизни таниди. Унинг уйига сиз ўғирликка тушгансиз.
— Тўхмат! Бундай бўлиши мумкин эмас, ахир у ухлаб ётган эди!

ЮЛДУЗЛАР ҲАЕТИ

«БУ ОЛАМДА ГЎЗАЛЛАР КЎП...»

Америка Қўшма Штатларида чиқадиган «Байографи» журналининг ўн минг -га яқин мухлислари ва компьютер тармоғининг Интернет хизматидан фойдаланувчилар ниҳоясига етган охириги ўн йилликнинг гўзаллини танладилар. Соҳибжамоллар рўйхатини асосан доимий эътиборда бўлган Голливуд юлдузлари ташкил этди. Биринчи ўрин эса мафтункор актриса Мишель Пфайффер (суратда)га насиб этди.



«Пипл» журналі ҳам Пфайффер гўзаллигининг асири. Таҳририят уни сайёрамизнинг энг соҳибжамол аёли сифатида олти марта ғолиблик пальмаси билан тақдирлаган. Энг ёш гўзал номига эса «Суюкли Шекспир» фильмида ўйнаган роли учун «Оскар» мукофотига сазовор бўлган Гвинет Пэлтроу сазовор бўлди.

ЁПИРА!

«БОИГ» БИЛАН ТЕНГЛАШИБ...

Замонавий мусика шинавандалари «Manova» гуруҳини яхши билишадди. Оғир рок услубида етакчилик қилиб келаётган ушбу гуруҳ сайёрамиздаги энг баланд овоз эгаси сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Концертларда гуруҳнинг жонли овози 124,8 децибелдан ошади. (Маълумот учун: «Боиг» самолётининг парвоз вақтидаги шовқини — 130 децибел).

Мақзур гуруҳ 1980 йилда Black Sabbath гуруҳининг вокалчиси Жеймс Дио ва бас гитара бўйича техник ёрдамчи Жоуи де Майо томонидан ташкил этилган.

САРГУЗАШТНОМА ТАРИХИДАН

РОБИНЗОН ва Бошқалар

«Робинзон Крузонинг саргузаштларини» ўқимаган ёки кинофильмини томоша қилмаган киши бўлмаса керак орамизда. Инглиз ёзувчиси Даниель Дефонинг ҳаҳонга машхур бу асарига кўпчилик саргузашт асар сифатида қарайди. Аслида эса бу асарни теран ижтимоий-фалсафий асарлар қаторига киритиш мумкин. Асар ҳақида мулоҳаза юритишдан тийилиб турақолайлик.

Шуниси кизикки, буни дунё ахли унинг вафотидан кейин, орадан кўп йиллар ўтганидан кейингина билган эди. Китобни ўқиган киши бу асар разведкачининг қаламига мансублигини ҳаёлига ҳам келтирмаслиги аниқ. Бу энди адибнинг маҳорати.

Чунки бу китоб ёзилганига шунча вақт бўлибдики, ҳали ҳануз севиб ўқилади, кинофильлари севиб томоша қилинади. Шунинг ўзи асарга берилган баҳо. Унинг муаллифи ҳақида эса кўпчилик маълумотга эга эмас. Билганимиз шуки, Даниель Дефо инглиз ёзувчиси, Британияда яшаб, ижод этган.

Робинзонда йўлда ёзилган асарлар қаторига киритиш мумкин. Асар ҳақида мулоҳаза юритишдан тийилиб турақолайлик. Чунки бу китоб ёзилганига шунча вақт бўлибдики, ҳали ҳануз севиб ўқилади, кинофильлари севиб томоша қилинади. Шунинг ўзи асарга берилган баҳо. Унинг муаллифи ҳақида эса кўпчилик маълумотга эга эмас. Билганимиз шуки, Даниель Дефо инглиз ёзувчиси, Британияда яшаб, ижод этган.

Яна бир нарса, Даниель Дефо ўша машхур «Робинзон» ҳақида ёзаётган дамларида инглиз разведкасида ишлаган. Ишлаганига эмас, бу буюк ёзувчи инглиз разведкасининг ташкилотчиси ва биринчи раҳбари ҳам бўлган.

Тўғри, Даниель Дефонинг «Робинзон»и ибн Туфайлнинг «Хай»ига нисбатан кўпроқ саргузаштларни бошидан кечиради. Лекин Ибн Туфайл асари «Робинзон»га нисбатан фалсафий мазмун, моҳияти жиҳатидан анча устун туради.

ЯНГИЛИК

Муштарийларимизнинг тахлиф-истакларини инобатга олиб, газетамизда реклама ва эълонлар учун алоҳида руқн ташкил этдик. Сиз қуйидаги купонни тўлғазиб, қирқилган ҳолда таҳририятимизга йўлласангиз, кифоя. Табрик, олди-сотди ёки бошқа турдаги эълонингиз саҳифамиздан жой олади.
P.S. № белгиси қўйилган жойни очқ қолдиринг!

БЕПУЛ ЭЪЛОНЛАР КУПОНИ		№
МАТН:		
ИСМН - ШАРИФИЯНГИЗ		
МАНЗИЛ:		
ТЕЛЕФОН:		